




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МАРКАЗИ

## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



# НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ

Ўқув машғулотининг мақсади ва вазифалари



Ўзбекистонда давлат тили, адабий тил ва юридик тил масалалари

Адлия органлари ходимлари фаолиятида ёзма нутқ маданиятининг тутган ўрни

Давлат тилида юридик ҳужжатлар ва уларни тузишга қўйиладиган асосий талаблар

Мутахассисларнинг ёзма нутқ фаолиятини янада такомиллаштириш



**Айни вақтда  
қонунларнинг  
тўлиқлиги, ҳаётийлиги  
ва тўғридан-тўғри амалга  
ошириш механизмларига  
эга экани ҳақида сўз  
юритганда, бу борада  
ҳали кўп иш қилишимиз  
кераклигини таъкидлаш  
зарур.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрда  
“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–6084-сонли фармони  
қабул қилинди**

**2020-2030  
йилларда ўзбек  
тилини  
ривожлантириш ва  
тил сиёсатини  
такомиллаштириш  
концепцияси  
тасдиқланди**

**Концепцияни  
2020-2022 йилларда  
амалга ошириш  
дастури ишлаб  
чиқилди.  
Дастурга асосан:**

**2025 йилга қадар  
мамлакатимиз  
ижтимоий-сиёсий  
ҳаётининг барча  
соҳаларида  
давлат тили  
имкониятларидан  
тўлиқ ва тўғри  
фойдаланишга  
эришиш**



**Давлат тилининг софлигини  
сақлаш, уни бойитиб бориш**



**Барча соҳа мутахассисларининг  
ёзма нутқ маданиятини ошириш**




**Давлат тилида соҳавий иш  
юретиш ҳужжатларининг ягона  
электрон намуналарини ишлаб  
чиқиш каби ўта муҳим вазифалар  
белгиланди**



- **ЛИНГВИСТИКА** (лот. lingua – тил) тил ҳақидаги фан ([Тилшунослик](#)). У тилни илмий ўрганишдир (*И.А.Бодуэн де Куртенэ*).

Ҳар қандай расмий ҳужжатни мукамал даражада тузишнинг асосий шарти – давлат тили, умумадабий тил ва юридик тил қоидалари ҳамда унга қўйиладиган талабларни билиш ва уни амалиётда тўғри қўллаш ҳисобланади.





“Норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатлар  
тўғрисида”ги  
қонунда  
қуйидагилар  
белгиланган



ҚОНУННИНГ «НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИНИ  
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ВА КЕЛИШИШ» НОМЛИ 4-БОБИ,  
«НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИНИНГ  
ЭКСПЕРТИЗАСИ» НОМЛИ 25-МОДДАСИДА:



Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шарт. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқувчининг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, **ЛИНГВИСТИК**, экологик экспертизадан, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
тўғрисида” ги қонуни,  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
«Лотин ёзувига асосланган  
ўзбек алифбосига босқичма-  
босқич тўлиқ ўтишни  
таъминлаш чора-тадбирлари  
тўғрисида» 2021 йил  
10 февралдаги 61-сон қарори  
ижросини таъминлаш  
мақсадида



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2021 йил 28 октябрь  
куни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
лойиҳаларини лингвистик  
экспертизадан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида» ги 662-сон қарори қабул  
қилинди



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2021 ЙИЛ  
28 ОКТЯБРЬ КУНИ «НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ  
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ **662-СОН ҚАРОРИ** БИЛАН:



«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини  
лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низом» тасдиқланди



Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ  
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМДА ҚУЙИДАГИЛАР НАЗАРДА ТУТИЛДИ:



норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказишнинг мақсади ва асосий вазифалари



лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш талаби, лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш тартиби



лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказувчи маслаҳатчи ёхуд мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

## НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ:

1

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

2

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

5

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари


6

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари



7

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари



## Қарор билан қуйидагилар белгиланди




2023 йил 1 январдан бошлаб лойиҳани ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лойиҳа матни давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида лингвистик экспертизадан ўтказилади



лингвистик экспертиза лойиҳани ишлаб чиқувчи давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан амалга оширилади



лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш жараёнида ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан давлат органларининг илмий ва таълим ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам шартнома асосида жалб қилиниши мумкин



лингвистик экспертизани ўтказиш харажатлари бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади




## Асосий тушунчалар


**Лингвистик экспертиза** — лойиҳа матнининг давлат тили қоида ва талабларига мувофиқлигини мутахассис томонидан ўрганилиши.

**Давлат тили қоида ва талаблари** — ўзбек адабий тилининг имловий, услубий, лексик-грамматик, график ва пунктуация қоидалари, атамаларни тўғри қўллаш ва матнда мантиқий хатоликларга йўл қўймаслик талаблари.


Лингвистик экспертизанинг **объекти** - лойиҳа матни ҳисобланади.



- **маслаҳатчи** — давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси



- **мутахассис** — давлат органларининг илмий ва таълим ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фуқаролар, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида касбий фаолият билан шуғулланаётган шахслар



- **давлат тили қоида ва талаблари** — ўзбек адабий тилининг имловий, услубий, лексик-грамматик, график ва пунктуация қоидалари, атамаларни тўғри қўллаш ва матнда мантиқий хатоликларга йўл қўймаслик талаблари

# Лойиҳа матнининг лингвистик экспертизаси қуйидагиларга қаратилган

тақдим этилган лойиҳа матнининг давлат тили, имло, услубий, грамматик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлигини текширишга

лойиҳа матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлиги, сўз бирикмалари тўғри танланганлигига ҳамда ўзаро тўғри боғланганлигига баҳо беришга

лойиҳада янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш ҳамда мантиқий, таҳририй хато-камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга

# В А З И Ф А

1

лойиҳа матнининг давлат тили қоида ва талабларига, жумладан, имло, услубий, грамматик ва орфография қоидаларига мос бўлишини таъминлаш

2

лойиҳада соҳа атамаларининг тўғри қўлланилиши, янги атамалар қўлланилганда, уларга мос таъриф берилишини текшириш

3

лойиҳа матни аниқ ва тушунарли баён қилинганлиги, сўз бирикмалари тўғри танланганлигига ва ўзаро тўғри боғланганлигига баҳо бериш

4

лойиҳа матнидаги тушунча ва атамаларнинг маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланишини таъминлаш



## ЛОЙИҲАНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ

- Лингвистик экспертиза ишлаб чиқувчининг ташаббуси билан ёхуд топшириққа асосан вазирлик ва идоралар билан келишишдан олдин ўтказилади.
- Давлат тили ва уни ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатларининг лойиҳалари лингвистик экспертизадан ўтказилиши шарт.
- Лойиҳа ташкилот раҳбарининг кўрсатмасида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, маслаҳатчига келиб тушган санадан бошлаб уч иш кунида лингвистик экспертизадан ўтказилади.
- Мутахассис томонидан лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш муддати у билан тузилган шартномада кўпи билан беш иш куни этиб белгиланади.

# Лойиҳа матни лингвистик экспертизадан қуйидаги талаблар асосида ўтказилади

жумлаларнинг  
соддалиги ва  
қисқалиги,  
таърифларнинг  
аниқлиги

имло, услубий,  
грамматик ва  
орфография  
қоидаларига  
мослиги

янги атамалар,  
шунингдек, соҳа  
атамаларининг тўғри  
қўлланганлиги

сўз бирикмаларининг  
ўзаро тўғри  
боғланганлиги

баённинг  
тизимлилиги ва  
ифодали  
кетма-кетлиги

## ЛОЙИҲАДА, УНГА ИЛОВА ҚИЛИНАДИГАН АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАРДА ҚУЙИДАГИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

• оғзаки нутқ шакллари

• давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари

• эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар

• аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно)

## ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗАДИГАН МАСЛАХАТЧИ (МУТАХАССИС) ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА

- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лингвистик экспертизадан ўтказадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;
- лингвистик экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш;
- лингвистик экспертизадан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари нормаларини аниқлаштириш ва улар бўйича тегишли тушунтиришларни олиш

## Лингвистик экспертизани ўтказадиган маслаҳатчи (мутахассис) қуйидагиларга мажбур

- лингвистик экспертизани ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;
- лингвистик экспертизани ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик;
- зарур ҳолларда лингвистик экспертиза хулосаларини асослаб бериши;
- тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш

Ҳуқуқ соҳасида ишлатиладиган барча тил бирликларининг (товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап) мажмуи **юридик тил** деб аталади


**ЮРИДИК  
ТИЛ**



Юридик тил –  
ҳуқуқшунос  
(мутахассис)нинг ўз  
фикрини ва ҳуқуқий  
нормаларни  
ифодалашда тил  
бирликлари мажмуи:  
товуш, қўшимча, сўз,  
термин, сўз  
бирикмаси ва  
гаплардан қандай  
фойдаланиши  
тушунилади



Юридик  
тилни  
ҳуқуқшунос-  
нинг ёзма сўз  
санъати деб  
аташ ҳам  
мумкин



# ЮРИДИК ТИЛДА ГРАММАТИК МЕЪЁРНИНГ ЎРНИ



- 1. “Ўлим, йўқ шафқат!»  
(ўлдирилсин)

- 2. “Ўлим йўқ, шафқат!”  
(ўлдирилмасин)



ЮРИДИК ТИЛДА  
ГРАММАТИК  
МЕЪЁРНИНГ ЎРНИ.  
МИСОЛ:

*“Энг кам  
таъминланган  
ёш болали  
оилаларга ёрдам  
пули  
ажратилсин”*

Фақат бир тоифадаги,  
яъни ЭНГ кам  
таъминланган ёш болали  
оила тушунилади

*“Энг кам  
таъминланган,  
ёш болали  
оилаларга ёрдам  
пули  
ажратилсин”*

Икки тоифадаги,  
яъни ҳам ЭНГ кам  
таъминланган оилалар,  
ҳам ёш болали оилалар  
тушунилади

Ўзбекистон Республикасининг  
2007 йил 2 майдаги “Ҳомийлик  
тўғрисида”ги қонуни.

1-модда. Ушбу Қонуннинг  
мақсади.

Ушбу Қонуннинг мақсади  
ҳомийлик соҳасидаги  
муносабатларни тартибга  
солишдан иборат.

**ҳомийлик**

**хайрия**

Закон Республики Узбекистан  
от 2 мая  
“О благотворительности”.

Статья 1. Цель настоящего  
Закона.

Целью настоящего Закона  
является регулирование  
отношений в области  
благотворительности.

**благотворительность**

**спонсорство**

# Бугунги кунда расмий юридик ҳужжатларни тузишда ўзбек адабий тили ва юридик тил қоидалари нуқтаи-назаридан қандай камчиликлар мавжуд?

1. Ифодаланаётган фикрлар ўта мураккаб конструкциялар асосида берилмоқда

2. Гапларда ортиқча сўз, ноўрин жумлалар кўп ишлатилмоқда

3. Гапда сўзларни бир-бирига боғлайдиган – келишик, эгалик, шахс сон қўшимчалари ҳар доим ҳам тўғри ишлатилмаяпти

4. Юқоридаги хатоликлар натижасида юридик ҳужжатлар сифати нуқтаи назардан белгиланган талабларга тўла жавоб бермаяпти

# НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИНГ СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилот, юқори турувчи ташкилот	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказиш ташаббуси билан чиқиш.</li> <li>2. Лойиҳани лингвистик экспертизадан ўтказиш юзасидан топшириқ бериш</li> </ol>	Заруратга кўра
2-босқич	Маслаҳатчи ёхуд мутахассис	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Лингвистик экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича лойиҳа матнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тавсияларни кўрсатган ҳолда хулоса бериш.</li> <li>2. Лингвистик экспертиза хулосасини имзолаш ва лойиҳани ишлаб чиқувчига тақдим этиш</li> </ol>	3 кун ёки шартномада белгиланган муддат
3-босқич	Лойиҳани ишлаб чиқувчи	Маслаҳатчи ёхуд мутахассис хулосасида берилган тавсиялар асосида лойиҳа матнини қайта ишлаш ҳамда келишиш учун вазирлик ва идораларга юбориш	Лойиҳа матни қайта ишлангандан сўнг

\* Ushbu tavsiyalar jadval shaklida bayon qilinib, unda loyiha matnining dastlabki tahriri hamda ekspertiza natijasida tavsiya etilayotgan tahrir aks ettirilishi lozim.

# NORMATIV-HUQUQIY HUJJAT LOYIHASINING LINGVISTIK EKSPERTIZA XULOSASI

\_\_\_\_\_ -son

1. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining turi: \_\_\_\_\_

2. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining nomi: \_\_\_\_\_

3. Lingvistik ekspertizani o'tkazuvchi: \_\_\_\_\_

4. Lingvistik ekspertiza o'tkazilgan sana: \_\_\_\_\_

5. Normativ-huquqiy hujjat loyihasi matnida aniqlangan xato va kamchiliklarni bartaraf etish, tegishli tuzatishlar kiritish, matnni qisqartirish, qayta ishlash bo'yicha aniq tavsiyalar ko'rsatiladi:\*

Maslahatchi:

\_\_\_\_\_  
( imzo )

\_\_\_\_\_  
( F.I.O. )

2022-yil \_\_\_\_ - \_\_\_\_\_

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI HUZURIDAGI DAVLAT TILIDA ISH YURITISH ASOSLARINI O'QITISH VA MALAKA OSHIRISH MARKAZI

100100, Toshkent sh., Yakkasaroy t., Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy. tel.: (99871) 281-45-67, Veb-sayt: www.dtrm.uz, azimov@navoiy-uni.uz, I.M.Azimov@exat.uz

2022-yil \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ -son

Toshkent  
sh.

**NORMATIV-HUQUQIY HUJJAT LOYIHASINING LINGVISTIK EKSPERTIZA  
XULOSASI**

\_\_\_\_\_ -son

1. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining turi: \_\_\_\_\_

2. Normativ-huquqiy hujjat loyihasining nomi: \_\_\_\_\_

3. Lingvistik ekspertizani o'tkazuvchi: \_\_\_\_\_

4. Lingvistik ekspertiza o'tkazilgan sana: \_\_\_\_\_

5. Normativ-huquqiy hujjat loyihasi matnida aniqlangan xato va kamchiliklarni bartaraf etish, tegishli tuzatishlar kiritish, matnni qisqartirish, qayta ishlash bo'yicha aniq tavsiyalar ko'rsatiladi:\*

Markaz rahbari:

m/o'

\_\_\_\_\_ (imzo)

\_\_\_\_\_ ( F.I.O. )

2022-yil \_\_\_\_ — \_\_\_\_

Mutaxassis:

\_\_\_\_\_ (imzo)

\_\_\_\_\_ ( F.I.O. )

2022-yil \_\_\_\_ — \_\_\_\_

\* Ushbu tavsiyalar jadval shaklida bayon qilinib, unda loyiha matnining dastlabki tahriri hamda ekspertiza natijasida tavsiya etilayotgan tahrir aks ettirilishi lozim.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти**

*(18-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбати)*

- Турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати ҳужжатларнинг турларига, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.
- Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти**  
*(33-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш)*

- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган орган томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Зарур бўлганда у бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.
- Давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади.



**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услуги**

Лойиҳада, шунингдек унга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда қуйидагиларнинг қўлланилишига йўл қўйилмайди:

- оғзаки нутқ шакллари;
- давлат тилида тенг маъноли сўзлар ва тушунчалар мавжуд бўлган тақдирда, чет тиллари атамалари;
- эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар;
- аббревиатура ва қисқартмалар (бундан умумий қабул қилинган аббревиатура ва қисқартмалар, шунингдек қонуности ҳужжатларининг иловаларидаги ташкилотларнинг қисқартирилган номлари мустасно)

# Ш.Л.Монтескье қонун чиқарувчи амал қилиши лозим бўлган бир нечта қоидани таърифлаб берган эди:

1

қонун услуби содда ва аниқ, дабдаба ва жимжимадорликдан холи бўлиши лозим

2

тушунчалар аниқ бўлиши, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиши лозим

3

қонунларда реал ва долзарб масалаларни кўтариш керак, рамзийлик ва мавҳумликлардан қочиш зарур

4

қонунлар матни мантиқ бўйича машқлар бўлмаслиги, ақлий салоҳияти ўртача бўлган одамларга мумкин қадар тушунарли бўлиши лозим

5

қонунни кўп сонли истиснолар, чеклашлар ва эслатмалар билан қалаштириб ташлаш ярамайди

6

қонунлар пухта ўйланган, асосланган ва амалиёт учун зарур бўлиши лозим

# ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР:

1. Ҳар қандай юридик ҳужжатлар матни расмий, қатъий ва ўз навбатида, нейтрал ифодаланган бўлиши керак, унда услубий бунёдкорликка йўл қўйилмаслиги лозим

2. Юридик ҳужжатлар матни энг юқори даражада (максимал) аниқ ифодаланиши керак, унинг тилидаги ҳар бир сўз, фақат биргина маънони бериши, унда кўп маъноли сўзлар, синоним ва омонимлар ишлатилмаслиги лозим

3. Юридик ҳужжатлар матнини тузишда мумкин қадар кўпчилик тушунадиган сўз ва терминлардан кенг фойдаланиш лозим. Бунда терминларни тўғри қўллашга, сўз ва терминлар синонимияси, омонимияси ва полисемиясига йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак

## ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР:

4. Юридик ҳужжатлар матнини тузишда давлат тили, адабий тил ва юридик тил қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур

5. Юридик ҳужжатлар матни шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, мумкин қадар қисқа, содда ва лўнда бўлиши зарур

6. Юридик ҳужжатда ифодаланаётган фикрлар мантиқий кетма-кетлик асосида изчил баён этилиши, мазмунан тўлиқ бўлиши лозим

## АДАБИЁТЛАР:

1. Аминов А. Мадвалиев А. ва бошқ. Давлат тилида иш юритиш. -Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Кўчимов Ш.Н. Юридик тил назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: ЖИДУ, 2013. Б. 3-5.
3. Кўчимов ва бошқ. Суд қарорлари сифатини ошириш бўйича амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2020.
4. Саидов А., Кўчимов Ш. Қонунчилик техникаси асослари. -Т.: Адолат, 2001.
5. Усмонов С., Зиямухамедова Ш. Юрист нутқи амалиёти. -Т.: 2019.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАХМАТ!

